

بَيُّطْ أَيْهِ قِيْرَطْ أَدْعَبْ سِيْلَ أ هَذَهْ فِ: لَاقِ، يَلَبْ: تُلُقْ؟ أَهْنَم هَذَهْبِ.

Бани Абдул Ашхаллик бир аёл деди:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизнинг масжидга борадиган йўлимиз сассиқ. Бас, ёмғирда қолсак, қандай қиламиз?».

«Ўшандан кейин ундан покроқ йўл йўқми?» дедилар.

«Бор», дедим. У зот:

«Ана ўша буниси билан (суришиб кетади)», дедилар».

Бу ҳадисда мусулмонларнинг, хусусан, муслима аёлларнинг покликка қанчалар эътибор беришларини кўрмоқдамиз. Улар бундан ўн тўрт аср олдин ҳам ҳатто ёмғир ёққанда кўчада кийимларига сачраши мумкин бўлган лойдан эҳтиёт бўлишга уринганлар.

Бани Абдул Ашхал қабиласига мансуб бўлган бир саҳобия Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизнинг масжидга борадиган йўлимиз сассиқ. Бас, ёмғирда қолсак, қандай қиламиз?» деди».

Демак, ўша савол берган аёлнинг уйдан масжидгача бўлган йўл тоза эмас, агар ёмғир ёғиб қолса, юриш қийинлашиб, йўлда кийимларга нопоклик аралаш лой сув сачраши мумкин экан.

Шундай ҳолат содир бўлса, мусулмон кишининг кийими нима бўлади? Ундай кийимни ювиш керакми? Ёки бошқа йўл борми? Бу саволга жавоб беришдан олдин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам савол берган аёлнинг ўзига:

«Ўшандан кейин ундан покроқ йўл йўқми?» дедилар. Яъни, ўша сассиқ

– нопок йўлдан кейин ундан кўра тозароқ йўл йўқми, деган эдилар, у аёл:

«**Бор**», деди.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Ана ўша буниси билан суришиб кетади**», дедилар. Яъни, ифлос йўлда теккан нопок нарсалар тоза йўлдаги пок ерга тегиб, покланиб қолади.

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифдан келиб чиқиб, «Кўчанинг лойи кийимга сачраса, узрли, фақат айнан нажас нарса тегмаса бўлди», деганлар.

Бу борада Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлдан теккан нарса учун таҳорат қилмас эдик», деганлар.

Бу ҳам Ислom дини енгиллик тарафдори эканлигининг далилидир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди